

## Булоқбоши тумани

### БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲАҚИДА

Андижон вилоятидаги туман. Вилоятнингжанубида жойлашган. 1992 й. 3 апрелда ташкил этилган. Булоқбоши тумани шимол ва шарқда Андижон ва Хўжаобод туманлари, ғарбда Асака ва Мархамат туманлари, жануб ва жанубий-ғарбда Ўирғизистон Республикасининг Ўш вилояти Аравон тумани билан чегарадош. Майдони 0,2 минг км<sup>2</sup>. Аҳолиси 110 минг киши. Булоқбоши туманида 1 шахарча (Андижон), 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Булоқбоши, Найман, Ширмонбулоқ, Мояриқ, Кулла) бор. Маркази — Булоқбоши қишлоғи.

**Табииат:** Туман худуди тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат. Иклими кескин континентал. Январнинг ўртача ҳароратиминус 3,5 даража, июлники 26 даража. Йилига 180000000 мм ёғин тушади. Вегетация даври 230 кун. Туман худудидан Жанубий Фарғона канали, Аравонсой оқиб ўтади. Текисликлар бўз, қўнғир тупроклар, адирлар қумтош, мергел, лёсс ва чақиртошлар билан қопланган. Ёввойи ўсимликлардан шўра, шувоқ, момақаймоқ, ялпиз, қамиш, бангидевона, янтоқ, отқулоқ, юлғун, ажриқ, қирқбўғин, ғумай, қўйпичан, қўзтикан ўсади. Эчкемар, қашқалдоқ, тошбақа, жайрон, тулки, илон, калтакесак, типратикан; қушлардан каклик, бедана, лайлак, ёввойи ўрдак, сўфитўрғай, сассиқпопишақ, қарға, зағизғон, майна, боййғли, бургут ва бошқалар яшайди.

**Аҳолиси,** асосан, ўзбеклар, шунингдек қирғиз, қозоқ, тожик, татар, рус ва бошқа миллат вакиллари хам яшайди. 1 км<sup>2</sup> га 582 киши тўғри келади.

### БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

**Ҳокими:**  Мамуров  Ўткирбек Комилжонович

**Иш вазифаси:** Туман ҳокими туманда олий мансабдор шахс бўлиб, айни бир вақтда худудда вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Ўз ваколатларини яккабошчилик асосида амалга оширади. Туман ҳокими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари хамда Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ижроия ҳокимияти фаолиятини ташкил этади. 

Телефонлар: 0 (374) 773-26-60 Факс: 0 (374) 222-22-53

Манзил: 170500, Булоқбоши тумани, М.Исмоилий кўчаси, 1 уй

Иш кун вақти ва тартиби: 09:00-18:00 // Обед 13:00 дан 14:00 гача

  EXAT  [buloqboshi.t@exat.uz](mailto:buloqboshi.t@exat.uz)   e-mail  [buloqboshi@andijan.uz](mailto:buloqboshi@andijan.uz)

Мурожаатлар учун: 0   ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ: 0 (374) 773-21-50

WEB SITE:[www.buloqboshi.andijan.uz](http://www.buloqboshi.andijan.uz)

БУЛОҚБОШИ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ □ НИЗОМИ □